2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 235 (235), 2020 йил 5 декабрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ




**Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада тинимсиз изланишлар, саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўққи, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар кириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса. Кейинги тўрт йилда янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, саноатга юқори технологияларни жорий этиш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.**

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни Тошкент металлургия заводининг очилишига бағишланган тантанали тадбирлар доирасида Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари пойтахт ҳудудида амалга оширилган металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик ва замонавий корхонани ташкил этиш лойиҳаси Ўзбекистон ва Россия компания ва банклари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг намунаси эканини катта мамнуният билан қайд этди.

Ушбу заводнинг вужудга келиши кейинги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликда жиддий сифат ўзгаришлари кузатилаётганидан ҳам далолат беради.

Денис Мантуров самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда устувор қўшма дастур ва лойиҳаларнинг бориши кўриб чиқилди, амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги режалар муҳокама қилинди.

Машинасозлик, агросаноат, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, кўплаб бошқа тармоқларда юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасидаги кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат кооперацияси лойиҳаларини, шу жумладан, ташкил этилган қўшма Лойиҳа офиси фаолияти доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳамроҳлик қилиш, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун барчамиз том маънода тарихий ва унутилмас бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун Ўзбекистонда йирик замонавий саноат корхонаси — Тошкент металлургия заводи ишга туширилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шундай улкан ишлаб чиқариш мажмуаси бунёд этилгани билан барчангизни чин қалбимдан табриклайман.

Бугунги маросимда бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли хорижий ҳамкорларимиз — Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Валентинович Мантуров, “Метпром” компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Сергеевич Лазуткин, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Владимир Львович Тюрденев, Италия Республикасининг “Даниели” компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески жанобларига ва барча меҳмонларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларга маълумки, биз бундан уч йил аввал — 2017 йилнинг февраль ойида яхши ниятлар билан ушбу корхонанинг тамал тошини қўйган эдик. Ўтган қисқа даврда барча қийинчиликларга, жумладан, коронавирус пандемиясига қарамасдан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва тажрибаси, маҳорати ва меҳнати эвазига мана шу улкан завод қад ростлади. Бу йирик мажмуани бунёд этиш учун 420 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Фурсатдан фойдаланиб, корхонани бунёд этишда фаол иштирок этган моҳир лойиҳачи ва қурувчиларга, қўли гул ишчи ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва барча мутасаддиларга, хорижий ҳамкорларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган кенг миқёсли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий саноат, қулай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир.

Ҳаммангиз биласиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг заиф нуқталаридан бири — бизда қора металлургия саноатининг етарли даражада ривожланмагани билан боғлиқ. Қайси соҳани олманг, кўп йиллардан буён бу масала биз учун жиддий муаммо бўлиб келаётган эди.

Янги завод энг аввало миллий иқтисодиётимизнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Улар илгари республикамизга асосан четдан олиб келинарди.

Ушбу корхонада йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотлар қурилиш материаллари ёки металл конструкциялар бўладими, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат саноати бўладими — юзлаб корхоналаримизнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради.

Мажмуа ишга туширилиши билан кимё саноати корхоналари ва рангли металл ишлаб чиқарувчилар ўртасида яқин кооперация алоқалари йўлга қўйилади. Келажакда ушбу завод маҳаллий автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирнинг ўзидаёқ завод маҳсулотларига ўнлаб корхоналардан буюртмалар келиб тушмоқда.

Тошкент металлургия заводи мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига салмоқли ҳисса қўшади. Мухтасар айтганда, янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, саноатимиз локомотивларидан бирига айланади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

**Биринчидан,** талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжири шаклланади.

Корхона фаолиятининг биринчи босқичида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади.

Маҳаллий корхоналаримиз аввал хориждан олиб келинган хомашё ўрнига эндиликда заводда тайёрланадиган листлардан фойдаланиши ҳисобига маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли равишда ошади. Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархида республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳавони тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда — 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Яъни, саноат кооперациясининг кенгайиши ва маҳаллий хомашё негизида ҳудудларда юзлаб янги рақобатбардош саноат корхоналарининг барпо этилиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Шу асосда турдош тармоқлар билан бирга 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бу эса қанчадан-қанча ёшларимиз учун янги иш жойлари, даромад ва оилавий фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Шунингдек, корхона томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот четга экспорт қилинади.

**Иккинчидан,** металлургия соҳасида ишлаб чиқариш кластерини барпо этишга шароит яратилади.

Биринчи босқичда хомашё Россиядан олиб келинади. Тез орада янги корхона Бекобод металлургия заводи билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Ҳозирги пайтда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуасини барпо этиш бошланди ва унинг маҳсулоти ушбу завод учун хомашё бўлиб хизмат қилади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларни маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — яқин йилларда яхлит “нольдан тайёр маҳсулотгача” бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат. Шунинг учун биз юртимиздаги 2 миллиард тонна қора металл захирасига эга Тебинбулоқ ва бошқа конларда етакчи хорижий компаниялар билан геологик қидирувлар ўтказдик ва бу борада техник иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

**Учинчидан,** техник ва технологик таъминланиши жиҳатидан ушбу завод халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради.

Бу ерда дунёнинг 27 та мамлакати, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг тўрт поғонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

**Тўртинчидан,** завод экологик талабларга жавоб берадиган, таъбир жоиз бўлса, “энг яшил” корхоналардан бири экани биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхона чиқиндиларни қисқартириб, қатъий экологик меъёрларга амал қиладиган, чиқинди газларни ушлаб қоладиган, оқова сувларни тозалайдиган ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳурматли маросим қатнашчилари!

Маълумки, ушбу корхона Тошкент шаҳри таркибида яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаяпти.

Янги ҳаёт тумани **янги Ўзбекистонни ривожлантиришга комплекс ёндашувнинг намунаси, десак, тўғри бўлади.** Мазкур ҳудудда бир вақтнинг ўзида шинам турар жойлар, замонавий саноат қувватлари, янги транспорт инфратузилмаси, жумладан, ерусти метроси ва йўл ўтказгичлар, ижтимоий объектлар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Урбанизация, аҳоли учун қулай бўлган сифатли шаҳар муҳитини яратишга оид бундай замонавий ёндашувни биз бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг жорий этмоқдамиз. Хусусан, яқин келажакда Наманган, Андижон, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларимизда ҳам айни шундай ҳудудлар барпо этишни режалаштирганмиз.

Буларнинг барчаси фуқаролик ва саноат қурилишининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратади, янги завод маҳсулотларига ҳам, турдош тармоқлар маҳсулотларига ҳам барқарор талабни вужудга келтиради.

Азиз дўстлар!

Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ушбу мажмуани бунёд этишда Ўзбекистондаги кўплаб қурилиш корхоналарининг мингга яқин муҳандис ва ишчилари иштирок этдилар. Завод қурилиши улар учун янги тажриба майдонига, маҳорат мактабига айланди.

Корхонада муҳандислар, лойиҳачилар, металлурглар ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётгани айниқса муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг аксарияти ривожланган давлатлардаги тармоқ корхоналарида малака ошириб келган йигит-қизлардир.

Мана шундай навқирон ёшларимизнинг энг юқори халқаро стандартлар даражасида ишлашга қодир экани барчамизни қувонтиради. Келажакда уларнинг билим ва салоҳияти юзлаб янги замонавий корхоналар учун мустаҳкам пойдевор бўлади, деб ишонамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ушбу янги қудратли корхона Ўзбекистон — Россия стратегик шериклиги мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин тимсолидир.

Кейинги тўрт йилда Россия Президенти Владимир Владимирович Путин билан самарали мулоқотларимиз, сиёсий ирodамиз ва ўзаро қўллаб-қувватлашимиз натижасида икки томонлама муносабатларда улкан ютуқларга эришилганини мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиман.

Биз савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни, Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни юксак даражага олиб чиқишга муваффақ бўлдик.

Мазкур даврда икки томонлама савдо ҳажми ҳамда Россиядан иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар миқдори икки баробар ортиб, мингдан зиёд янги корхоналар ташкил этилди.

Биз ҳозиргина Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Валентинович Мантуров билан ўтказган учрашувимизда мана шундай лойиҳаларни амалга оширишни ҳар томонлама муҳокама қилиб олдик ва келгусидаги ҳамкорлик режаларимизни кўриб чиқдик. Бу ўринда иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар портфели ҳақида сўз бормоқда.

Хусусан, яқин келажакда Тошкент металлургия заводи каби ўнлаб йирик ва инновацион корхоналарни ишга тушириш мақсадида бугун Ўзбекистон ва Россия корхоналари ўртасидаги саноат кооперацияси бўйича янги узоқ муддатли дастур устида иш олиб боряпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муҳим лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этган Россиянинг етакчи корхона, компания ва банкларига, бошқа хорижий шерикларимизга миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистон ва Россия шериклигини биз учун устувор бўлган таълим соҳасида ҳам мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқдамиз. Чунки, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илм-фанга асосланган технологияларни жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, янги авлод кадрларини шакллантиришни тақозо этади.

Шу мақсадда кейинги уч йилда Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 8 та янги филиали ташкил этилди. Жумладан, металлургия тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган “Москва пўлат ва қотишмалар институти” Россия миллий технологик тадқиқотлар университети филиали очилди.

Шу ўринда заводни технологик жиҳозлашда Италиянинг етакчи “Даниели” компанияси биз билан ҳамкорлик қилганини мамнуният билан таъкидлайман. Бугун биз Ўзбекистон — Италия муносабатларининг истиқболлари устида ишламоқдамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатларимизнинг юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ёрқин мисол бўлади, деб ишонаман.

Бундай ноёб лойиҳа Ўзбекистон, Россия, Италия, Туркия ва бошқа мамлакатлар компаниялари, лойиҳа институтлари ва банклари ўртасидаги халқаро кооперация ва ўзаро мувофиқлаштирилган фаолият туфайли амалга оширилди. Уни молиялаштиришда “Росэксимбанк”, ЭКСАР суғурта агентлиги, Ўзбекистон томонидан эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Асакабанк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” иштирок этди.

Бу ишларда бугунги маросимимизда қатнашаётган ҳурматли хорижий ҳамкорларимизнинг шахсий иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

**Бугун ишга туширилаётган Тошкент металлургия заводи, ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистон тарихининг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.**

Ишончим комилки, ушбу корхонанинг кўп миллатли навқирон меҳнат жамоаси Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, дунё миқёсида рақобатбардош мамлакатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Бугунги қувончли воқеа муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**Мажмуада 700 га яқин киши ишлайди. Лекин, турдош тармоқлар билан бирга ҳисоблаганда, 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 5 декабрь, 235-сон

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ

Бошланиши 1-бетда

Буни коронавирус пандемиясига қарамай, мамлакатимиз ҳудудларида барпо этилаётган йирик лойиҳалар, улкан саноат қувватлари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

4 декабрь — мамлакатимиз тарихига яна бир йирик саноат корхонаси ишга туширилган кун сифатида муҳрланадиган бўлди. Пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманида Тошкент металлургия заводи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу мажмуа очилишини тарихий воқеа, деб атади.

2017 йил февралда ушбу заводнинг қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Президентимиз 2018 йил августда бу ерга келиб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва меҳнати эвазига улкан корхона қад ростлади.

Шавкат Мирзиёев бунга ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчиларга, хорижий ҳамкорларга ташаккур изҳор этди.

— Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий саноат, қулай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир, — деди Президент.

Ушбу завод техник ва технологик таъминланиши жиҳатидан халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради. Бу ерда 27 та мамлакат, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг тўрт поғонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари янги мажмуанинг иқтисодий самарадорлигига тўхталиб ўтди. Юртимизда қора металлургия ривожланмагани сабабли саноат корхоналари кўп муаммога учрар эди. Энди Тошкент металлургия заводида йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Бу қурилиш материаллари, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат саноатидаги юзлаб корхоналарнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради. Илгари бундай маҳсулотлар асосан четдан олиб келинарди.

Келажакда ушбу завод автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади.

Мазкур мажмуада биринчи босқичда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади. Маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли ошади.

Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳаво тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг натижасида маҳсулотларнинг нархи арзонлашади. Шунингдек, завод томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Мажмуада 700 га яқин киши ишлайди. Лекин, турдош тармоқлар билан бирга ҳисоблаганда, 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин.

Завод экологик талабларга жавоб берадиган, "энг яшил" корхоналардан бири экани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илк бор атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган саноат ишлаб чиқариш технологияси ушбу заводда ташкил этилган.

Бу завод дунёдаги илғор корхоналар сингари маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у бозордаги мавжуд энг сўнгги 4.10 технологиясидан фойдаланилган ҳолда, ўзидан чиқиндиларни умуман чиқармайдиган, тўлиқ автоматлаштирилган, интеллектуал завод эканини таъкидлаш лозим.

Бутун дунёда бундай технологик жиҳатдан ривожланган заводлар техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантиради. Шунингдек, дунёдаги энг ривожланган корхоналар қаторида янги маданиятни яратиб, ўзбек металлургияси ва технология ҳамжамиятининг нуфузини оширади.

Тез орада янги корхона Бекободдаги металлургия комбинати билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Бугунги кунда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда — 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуаси барпо этиляпти. Унинг маҳсулотлари Тошкент металлургия заводи учун хомашё бўлади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

— Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади яқин йилларда яхлит, "нолдан тайёр маҳсулотгача" бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида.

Давлатимиз раҳбари завод Тошкентда яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаётганига эътибор қаратди. Корхонада муҳандис, лойиҳачи, металлург ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётгани, бу эса келажакда бошқа замонавий корхоналар учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

— Эсларингизда бўлса, биз коронавирус пандемиясидан кучли, қудратли бўлиб чиқамиз, деб мақсад қўйган эдик. Бугун бу мураккаб йил якунига етаётганда айтишимиз мумкинки, барча саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижасини беряпти. Кўряпсизлар, дунёда нима бўляптию, Ўзбекистонда нима бўляпти. Худо хоҳласа, шу ойнинг охирида метрополитеннинг Сергели йўналишини ҳам очамиз. Илоҳим, мана шундай яхши кунларимиз кўп бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент металлургия заводи — замонавий ахборот технологиялари ва металлургия соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни мужассам этган ноёб корхонадир. Бу ерда маҳсулот сифати халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки сифат назорати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ва заводнинг ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган марказий лабораториясида амалга оширилади. Ушбу лабораторияда барча ишлаб чиқариш жараёнлари ва стандартлари мунтазам текшириб борилади, металл прокат ва маҳсулотларнинг хоссалари баҳоланади, олиб келинаётган хомашё ва материалларнинг технологик сифати кириш назоратидан ўтказилади.

Корхонада дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири — Италиянинг "Даниели" компанияси ускуналари ўрнатилган. Бош лойиҳачи ва пудратчи — Россиянинг металлургия соҳасидаги энг йирик инжиниринг компанияларидан бўлган "Метпром" компаниялар гуруҳидир.

Тадбирда Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни, йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Сизларни ушбу ажойиб воқеа, замонавий саноат корхонасининг очилиши билан табриклайман. Мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли жуда муҳим лойиҳа ишга туширилди. Лойиҳани амалга оширишда ўттиздан ортиқ корхоналаримиз, минг нафардан зиёд турли йўналишдаги юксак малакали мутахассислар жалб қилинди. Биз бундан буён ҳам Ўзбекистонда кенг миқёсли лойиҳаларни амалга ошириш ва қўшма кооперацияни ривожлантиришда иштирок этишга тайёрмиз. Фурсатдан фойдаланиб, келаси йил апрелда Тошкентда «Иннопром» халқаро инвестиция ва саноат кўргазмаси ўтказилишини айтмоқчиман. Унда Россия ва Ўзбекистон корхоналари, шунингдек, мамлакатингиз саноатини ривожлантиришдан манфаатдор хорижий компаниялар иштирок этиши мумкин. Ушбу кўргазма янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилишига ишонаман, — **деди Д.Мантуров.**

— "Метпром" компаниялар гуруҳи сўнгги беш йилда 50 дан ортиқ йирик металлургия корхоналари қурилишида иштирок этди. Тошкент металлургия заводи Марказий Осиёдаги энг замонавий ва илғор завод ҳисобланади. Бундай корхонани қуришни бизга топширгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига миннатдорлик билдирамиз, — **деди "Метпром" компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Лазуткин.**

— Ушбу лойиҳа Ўзбекистон металлургия тармоғи учун жуда зарур. Лойиҳа қисқа муддатда амалга оширилди, афсуски, қурилиш-монтаж ишларининг авж палласи пандемия даврига тўғри келди. Биз коронавирус таъсири минимал бўлиб, лойиҳанинг муддати ва нархига таъсир қилмаслигини таъминлашда ҳар қандай ёрдамни аямаганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Ишончли шерикларсиз бундай кўламли лойиҳани амалга ошириш имконсиз. Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон саноатида улкан ўзгаришлар юз берди, бу бизни қувонтиради. Тошкент металлургия заводи мамлакатнинг ривожланиб бораётган иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллайди.

— Бугун биз Ўзбекистон учун муҳим стратегик лойиҳанинг биринчи босқичини якунладик. Бу улкан янгиланишлар кетаётган бугунги шароитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгилаб олинган мақсадларга тўла мос келади. Ушбу лойиҳа ва биз Бекободда амалга ошираётган иккинчи босқич — қуюв-прокат мажмуаси орқали Ўзбекистондаги фаолиятимизни кенгайтирамиз, юртингизнинг технологик имкониятларини юксалтирамиз. Ривожланиш, иш ўринлари яратиш ва савдо-иқтисодий алоқалар нуқтаи-назаридан фойда келтирадиган мамлакатингизни импорт қилувчидан экспорт қилувчи давлатга айлантирамиз, — **деди Италиянинг "Даниели" компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески.**

— Бугун Янги ҳаёт тумани тарихидаги энг қувончли воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятли завод туманимизда барпо этилгани бизни чексиз қувонтирди, — **деди меҳнат фахрийси Искандар Ҳайитов.** — Бу ерда завод учун зарур инфратузилма, уй-жойлар, боғчалар, мактаблар, маиший хизмат объектлари қурилди. Бошқача айтганда, ҳаётдан рози бўлиб яшаш, ишлаш учун ҳамма қулайликлар яратилди. Кўплар шу корхонага ишга жойлашди. Бундан туманимиз аҳолиси жуда хурсанд.

— Москвада ўқиб юрганимда Тошкент металлургия заводи қурилиши ҳақида эшитгандим. Ўқишни тугатгандан сўнг биринчилар қатори шу ерга ишга жойлашдим, — **деди корхонанинг ёш оператори Жасур Азимов.** — Биз технологик жараённи бошқариш учун Россиянинг кўзга кўринган металлургия комбинатларида малака оширдик. Энди ўрганганларимни ушбу заводдаги иш фаолиятимда қўллайман.

Шундан сўнг Тошкент металлургия заводи фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводидаги технологик жараён билан танишди.

Ушбу корхона техник ва технологик жиҳатдан халқаро миқёсдаги йирик мажмуалар қаторига киради.

Мажмуа мутасаддилари ишлаб чиқарувчилар билан йўлга қўйиладиган кооперация алоқалари ҳақида маълумот берди. Завод маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб корхоналардан буюртмалар тушаётгани айтилди.

— Металл муаммо бўлгани учун саноатда занжир йўқ эди. Бу завод ишга тушиши билан талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжири шаклланади. Ҳудудларда яна юзлаб корхоналарнинг барпо этилиши учун жуда катта замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари заводнинг шоурумида ҳам бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Эсдалик учун дарахт кўчати экилди.

Мухтасар айтганда, миллий иқтисодиётимизнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда улкан тарихий қадам қўйилди. Янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, саноатимиз локомотивларидан бирига айланади. Президентимиз таъкидлаганидек, Тошкент металлургия заводи янги Ўзбекистоннинг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**М.ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Интервью

Пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган металлургия заводи ишга тушди.
Ушбу завод қурилиши 2017 йил февралда бошланган эди. Турли қийинчиликларга, коронавирус пандемиясига қарамасдан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва меҳнати эвазига улкан корхона жуда қисқа муддатда қад ростлади.
Тошкент металлугия заводининг очилиш маросимида иштирок этган ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонлар сўзга чиқиб, ўзининг самимий фикрларини билдирди.

# МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЛОЙИҲА



**Зафар ТЎЙЧИЕВ, Тошкент металлургия заводи бош директори:**

— Тошкент металлургия заводининг ишга туширилишини Ўзбекистон саноатидаги янгилик, таъбир жоиз бўлса, катта ютуқ деб ҳисоблаш мумкин. Коронавирус пандемияси шароити мамлакатлар иқтисодига жиддий зарар етказаётган бир вақтда Ўзбекистонда мана шундай йирик заводнинг ишга тушиши барчамиз учун қувончли воқеа, албатта.

Президентимиз жадал индустриал ривожланиш мамлакат иқтисодиётининг асосий омили эканлигини, юртимизда хомашё экспортини камайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилиши зарурлигини кўп бора таъкидлаган ва бугунги кунда бу яхши самара бераётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Тошкент металлургия заводи ҳам шундай иқтисодий ислоҳотлар, истиқболли лойиҳалар асосида қурилди ва бу, ҳеч шубҳасиз, тараққиётимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бунга аниқ асосларимиз ҳам бор. Биринчидан, завод металлургия саноатида энг муваффақиятли лойиҳалар, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш соҳасида эришилган ютуқлар мужассамлашуви маҳсулидир. Иккинчидан, замонавий ускуна ва технологиялар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг экологик софлигини таъминлайди. Бу табиатни муҳофаза қилиш борасидаги замонавий халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ мос келади. Учинчидан, завод металлургия кластерининг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланади.

Давлатимиз раҳбари заводнинг очилиш маросимида алоҳида таъкидлаганидек, келажакда ушбу завод автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда қора металлургия ривожланмагани натижасида саноат корхоналари бир қатор муаммоларга дуч келар эди. Ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулотлар четдан қиммат нархларда олиб келинарди. Биз йилига 500 минг тонна рух, полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқариш билан ана шу жиддий муаммога барҳам беришни мақсад қилганмиз.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, завод ишга тушиши билан маҳаллийлаштириш кўлами кенгаяди. Бу қурилиш учун зарур айрим маҳсулотлар, маиший электротехника жиҳозлари нархи арзонлашишига хизмат қилади. Йилига миллион-миллион долларлик экспорт ҳам қиламиз. Демак, бюджетга ҳам салмоқли ҳисса қўшилади.

Янги иш ўринлари яратилиб, 700 га яқин кишини доимий иш билан таъминлаймиз. Уларнинг ойлик маоши ҳам яхши. Келгусида бошқа тармоқларни ишга тушириш орқали яна 5 мингга яқин юртдошимизни ишли қилишни кўзлаганмиз. Бу шунча оила доимий даромадга эга бўлади, турмуши яхшиланади, дегани.

Бир сўз билан айтганда, маҳсулотлари қурилиш саноатида, машинасозлик ва маиший техника ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бундай йирик завод мамлакатимиз оғир саноатининг изчил ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.



**Денис МАНТУРОВ, Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазири:**

— Мен бугун Ўзбекистонда яна бир замонавий саноат лойиҳаси — Тошкент металлургия заводи ўз фаолиятини бошлаганлиги билан барчани қутлайман. Мамлакатларимиз ҳамкорлигида фаолияти ва кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Қурилиш ишларида ҳар икки томондан мингдан ортиқ малакали мутахассислар фаол қатнашди. Мазкур лойиҳа учун Россия томонидан 165 миллион евро ажратилди. Завод ҳар йили импорт ўрнини босувчи 500 минг тонна металл конструкциялар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугун Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. 2021 йилнинг апрель ойида Тошкентда йирик саноат кўргазмаси ташкил этишни режалаштирганмиз. Унда нафақат Ўзбекистон ва Россия корхоналари, балки биз билан қўшма лойиҳани амалга оширишни истаган хорижий компаниялар ҳам иштирок этишлари мумкин.



**Даниэли Жакомо МАРЕСКИ, "Danieli" компанияси бош директори:**

— Аввало, бизни ушбу лойиҳага танлаган ўзбекистонлик ҳамкорларимизга жараёндаги юқори даражадаги иштироки учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Бугун биз юртингиз учун муҳим стратегик лойиҳанинг биринчи босқичини якунладик. Бекободда амалга ошираётган яна бир лойиҳанинг иккинчи босқичи орқали Ўзбекистондаги фаолиятимизни кенгайтирамиз. Унинг технологик имкониятларини ривожлантирамиз, иш билан таъминлаш ва савдо-сотиқ нуқтаи назаридан фойда келтирадиган мамлакатни металлургия маҳсулотларини импорт қилувчидан экспорт қилувчи давлатга айлантирамиз.

Бу ерда жорий қилинган техникалар бугунги кунда бозорда мавжуд бўлган энг замонавий ва экологик тоза технологиялардир. Сиз бу ерда кўриб турган завод ўзидан чиқинди чиқармайди. У тўлиқ автоматлаштирилган, замонавий ва инновацион ечимга эга. Бу каби ишлаб чиқариш заводи юқори малакали техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантиради.



**Шерзод ФОЗИЛОВ, инженер-технолог:**

— Тошкент металлургия заводи инновацион жиҳатдан энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Сабаби, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ амалга оширилган бўлиб, завод тўртта асосий агрегатдан иборат. Биринчи агрегатда металларга кимёвий ишлов берамиз, кейинги жараёнда уларни олиб, совуқ ҳолда ҳажмини камайтирамиз. Кейинги агрегат ҳимоя қатлами бўлиб, бунда маҳсулотни рух билан, ундан сўнг эса полимер билан қоплаймиз.

Эътиборлиси, шу тўрт босқичли агрегат тўлиқ автоматлаштирилган тизимда ишлайди. Бу эса барча босқичларни онлайн кузатиб бориш имкониятини беради. Қолаверса, ҳар бир агрегатга берилган металларни тайёрлаш жараёни, унинг ишлаб чиқариш тезлиги, унга ишлов берилаётган параметрларни кузатиб туради. Бирон-бир ускунада фавқулодда вазият юзага келса, автоматлаштирилган тизим дарров огоҳлантириб, кейинги жараёнга йўналтиради.

Бу завод ишлаб чиқариш вақтида атрофга чиқадиган зарарли моддаларни ўзимизда қайта ишлаб, жараёнга яна татбиқ этилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Инвестиция

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Бугунги кун савдо бозори доимий ҳаракатда бўлишни талаб этади. Харидор ёки инвестор келиб, ўз фаолиятига маблағ киритишини кутиб ўтирган тадбиркор ҳам вақтдан, ҳам нақддан ютқазади. Инвестицион жозибадорликни ошириш учун ҳамкорларни жараёнга олиб кириш, уларга имкониятларимизни кўрсатиб, ишонтира билиш зарур.**

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида ташкил этилган давра суҳбати ана шу мақсадларга қаратилди. "Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари ўртасидаги саноат корпорацияси" мавзуидаги мулоқотда Россия ҳукумати вакиллари мамлакатимизга инвестиция киритишнинг истиқболлари ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.

— Қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш, экспорт ҳамда савдо салоҳияти, халқимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилияти ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига ташлаётган дадил қадамлари хусусида маълумот берди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов. — Шу билан бир қаторда қайси соҳа ёки тармоқларга инвестиция киритиш мумкинлиги борасидаги таклиф ва прогнозларини ҳам баён этишди. Бу учрашув инвесторларни кенг жалб қилиш билан бир қаторда халқаро ҳамкорликнинг узвий давом этишига замин ҳам яратади.

Ўзаро мулоқотдан сўнг, "Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Россия Федерацияси саноат ва савдо вазирлиги ўртасида саноат, ташқи савдо ва инвестиция соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида" меморандум ҳамда "Иннопром. Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги" халқаро саноат кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда "Лойиҳалар офиси" доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини тузиш бўйича чора-тадбирлар режаси имзоланди.

**Келгуси йилдан бошлаб биз барча вазирлик ва идоралар учун ушбу тизимни татбиқ этиш ва алоҳида «compliance control» бўлимини очишни мажбурий қилмоқчимиз. Токи, бирор ташкилотда ишлашни истаган киши қонундан ташқари қандай ўйин қоидалари борлигини, у ёки бу ташкилотда ишлаш учун қандай мутахассис бўлиши кераклигини билиши учун алоҳида тизимга эга бўлсин.**



**“Янги Ўзбекистон” минбари**

# АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛГАН ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

**БМТ таҳлилларига кўра, коррупция туфайли дунё иқтисодиёти ҳар йили 2,6 триллион доллар зарар кўрмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан беш фоизини ташкил этади. Шунингдек, жаҳон бўйича пора сифатида тақдим қилинаётган маблағ 1,0 триллион доллар миқдорида бўлиб, бу гуманитар ёрдамлардан қарийб ўн баробар ортиқ.**
**Шу боис, инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқи, манфаати, жамият равнақига жиддий раҳна соладиган ушбу глобал муаммога қарши кураш жаҳон ҳамжамиятининг доимий эътиборида. 9 декабрь санасининг Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни сифатида нишонланишидан кўзланган мақсад тараққиёт кушандаси бўлган бу иллат чуқур илдиз отишининг олдини олишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдир. Дунё бўйлаб глобал пандемия ҳали-ҳануз давом этаётган шу кунларда инсониятнинг синовларни муваффақиятли енгиб ўтиши, тикланиш жараёнлари ва барқарор келажакка эришишида ҳам бу муаммога қарши курашиш борасида самарали тизим яратилиши муҳим омилдир. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, жорий йил Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни “Виждонан тикланишга эришайлик!” шиори остида нишонланмоқда.**



Бу муаммонинг инсон ҳуқуқи ва жамият ривожига салбий таъсирининг олдини олиш халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми бўлган мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифадир. Шу боис, сўнгги йилларда республикамизда бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунга келиб коррупцияга қарши курашишда муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, ушбу соҳани тартибга солувчи асосий қонун қабул қилинди ва тегишли тузилмалар шакллантирилди.

Бироқ, бу йўналишда эришилаётган натижалар баробарида ечимини кутаётган талай муаммолар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Танзила НОРБОЕВА “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга берган интервьюсида буни қандай ўзгартириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамиятининг ролини қай тарзда кучайтириш ҳақида сўзлаб берди.

**— Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳозирги ҳолатни қандай баҳолайсиз? Бу борада нималар амалга оширилди?**

— Ўзбекистонда коррупцияга қарши сиёсат соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар қилинди. Энг аввало, жамият ва давлат ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асос шакллантирилди. 2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муҳим қадам бўлди. Қонунда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик каби тушунчаларга ойдинлик киритилди, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ва ушбу соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари очиб берилди.

**Бундан ташқари, жорий йилнинг июнь ойида тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунадиган, шунингдек, Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобот берадиган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг ҳам, яқинда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг фаолияти ҳам қилинаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, биринчи навбатда, барча соҳаларда коррупциянинг сабаблари ва уни келтириб чиқарган шароитларни бартараф этишга ёрдам беради.**

Таъкидлаш лозимки, бундан буён ишлаб чиқиладиган ва амалдаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ижодкорлиги фаолиятида натижаларга эришган хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади.

Мамлакатимизда биринчи марта нодавлат сектор ва фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро ҳамкорлар, бизнес вакиллари ва кенг жамоатчилик билан мулоқот йўлга қўйилди. Бундай ёндашув, айниқса, ҳамкорликнинг барча даражаларида ишончни мустаҳкамлашда муҳимдир.

**— Мутахассислар фикрича, коррупцияни бутунлай йўқ қилишнинг имкони йўқ. Бироқ баъзи экспертлар уни назорат қилиш ҳақида гапирмоқда. Сизнингча, бу гаплар қанчалик асосли?**

— Фикримча, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади. Келинг, бу ёвуз иллатга қарши курашишни баҳолашда адолатли бўлишга ҳаракат қилайлик.

Унутмаслик керакки, коррупция нисбатан кенг тарқалган ва ўта хавфли жиноий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқарувининг асосларини емиради, уларнинг аҳоли ўртасидаги обрўсига путур етказади ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахл қилади.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, қуйидаги устувор вазифалар белгилаб олинди: давлат фуқаролик хизматидан ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; мансабдор шахслар томонидан активлар, даромадлар, йирик харажатлар тўғрисида декларация бериш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш нуқтаи назаридан жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, мувофиқлик дастурларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчиларни ҳимоя қилиш.

Коррупцияга қарши сиёсатни тизимлаштириш ўта муҳим, бу билан мамлакат коррупцияга қарши курашишда стратегик ёндашувни мустаҳкамлайди. Ушбу йўналишда биз бу йўлдан муваффақиятли ўтган мамлакатларнинг халқаро экспертлари билан ишлашни бошладик.

**— Жамиятда коррупциянинг барча турларига нисбатан муросасиз муносабатни қандай шакллантириш мумкин?**

— Коррупция, биринчи навбатда, бойиш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишга имкон берадиган ёки бунга йўл қўймайдиган андишалиликнинг ички ҳолатини акс эттиради. Шуни унутмайлик, Жиноят кодексида нафақат пора олганлик ва берганлик, балки уни олишда ва беришда воситачилик қилганлик учун ҳам жазони назарда тутувчи моддалар бор.

Ушбу ҳодисага қарши туришнинг асосий омиллари қаторида мен ҳаракатлар кетма-кетлигини, муросасизликни, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражасини оширишни қайд этаман. Айниқса, ёшлар орасида иш олиб бориш ва уларни коррупцияга қарши кечаётган ислоҳотларга жалб қилишга кўмаклашиш жуда муҳимдир. Ҳар бир фуқаро бу жиноятдан кейин муқаррар жазо борлигини тушуниши керак.

Бундан ташқари, коррупция ҳодисалари иқтисодий ислоҳотларни тарғиб қилишга, инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилади ва жаҳонда мамлакатимизнинг рақобатдошлигини пасайтиради. Миллий инвестиция лойиҳалари, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратиладиган грантлар доирасида маблағларни мақсадли сарфлаш жараёни устидан назоратни таъминлаш жуда зарур.

Давлат тузилмалари фаолиятида ушбу жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳокимиятга бўлган доимий ва асосли ишончни мустаҳкамлайди. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши қарори билан капитал қурилиш, олий таълим, давлат харидлари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Умуман олганда, биз сиз билан қонунлар қабул қилиш, жиддий жазолар қўллаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш зарурлиги ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа воситаларини қайд этдик, бироқ ҳар биримиз ушбу ҳалокатли ҳодисага нисбатан муросасизликни шакллантирмасак, ўзимизни ўзгартирмасак, барча ҳаракатларимиз кутилган натижа бермайди. Шунинг учун фуқаролик жамияти коррупцияга қарши курашишда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролар ҳали ҳам етарли даражада фаол эмаслигини ҳисобга олиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ушбу мураккаб жараёнга фуқаролик жамияти фаолларини жалб қилиш бўйича жиддий иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, лавозими даражасидан қатъи назар (республика, вилоят, шаҳар, туман), содир этилган коррупция ҳолатлари оммавий ахборот воситаларида имкон қадар ёритилиши керак, токи бунинг оқибатлари бошқаларга ибрат бўлсин.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг 9 ойи давомида коррупция ҳолатлари билан боғлиқ 838 та жиноят иши қўзғатилди. Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг тўрт нафари республика даражасидаги, 15 нафари ҳудудий даражадаги ва 626 нафари шаҳар ва туман даражасидаги раҳбарлардир.

**— Нима учун қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, суд тизими каби соҳалар коррупция ботқоғига энг кўп ботган?**

— Ушбу соҳаларда коррупция хавфи юқорилигининг сабаби шундаки, уларда инсон омили, ҳаддан ташқари бюрократия ва маъмурий тўсиқлар кўпроқ. Шу муносабат билан бундай омилларнинг таъсирини нафақат ушбу фаолият соҳасида, балки бошқа ишларда ҳам камайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бюрократик тўсиқларни камайтириш ва бартараф этишга қаратилган ишларда ҳал қилувчи қадам бўлди. Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб 70 турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга 35 та ҳужжат бекор қилинмоқда.

**Шунингдек, электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари кўламини кенгайтириш коррупцияга қарши курашишнинг энг кучли воситаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан электрон ҳукуматни ривожлантириш муҳимлигига урғу бермоқчиман. Унинг коррупцияни камайтиришдаги салоҳияти ҳали етарли даражага етмаган ва шу сабабли биз жойларда электрон ҳукумат фаолияти механизмидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича ишларни кучайтиришимиз керак.**

Коррупциянинг навбатдаги сабаби — айрим давлат органлари ходимларининг нафақат юқорида санаб ўтилган, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳуқуқий маданияти пастлигидир. Афсуски, баъзи давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ҳали коррупция каби ҳодисага муросасиз муносабатда бўлиш даражасига етмаган.

**— Коррупцияга қарши курашишда парламент қандай роль ўйнайди?**

— Мамлакатнинг олий сиёсий органи ва назорат инстанцияси сифатида парламентнинг бу жараёндаги роли муҳим. Аввало, бу коррупцияга қарши самарали курашиш учун замонавий ҳуқуқий ва қонунчилик асосларини яратишда намоён бўлади. Қонунларнинг қабул қилиниши, шунингдек, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши пухта экспертизадан ўтказилиши парламент аъзоларига коррупция хатарларининг олдини олишда натижага эришиш имконини беради.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталари, уларнинг органлари қарорлари, давлат дастурларининг бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириб бориш Олий Мажлис палаталарининг муҳим вазифасидир.

Бу йўналишда Сенат томонидан вилоят ҳокимлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида адолатга эришиш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўтарилиб, мансабдор шахсларнинг турли соҳалардаги фаолиятига баҳо берилмоқда.

Мен ўз фаолиятимда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бераман. Ҳам давлат, ҳам хусусий оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтган журналистлари рўйхати кенгайиб бормоқда. Энди ялпи мажлисларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имконияти борлигини қайд этмоқчиман. Бу факт бизнинг очиқлик ва шаффофлик тамойилига амал қилишимизни яна бир бор тасдиқлайди. Олий Мажлис палаталари фаолиятига электрон парламент тизимининг жорий этилиши мазкур йўналишдаги яна бир ташаббусдир. Ушбу лойиҳа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва парламент назоратини таъминлаш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича парламент ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқот учун қулай восита бўлади.

**— Сизнингча, коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг вазифаси нимадан иборат?**

— Жамият узоқ вақт коррупция муаммосини муҳокама қилмасликка интилди. Давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашишга сиёсий иродасини намойиш этиши давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралиги ошишига ижобий таъсир кўрсатди.



**ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ СОҲАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ҚИЛИНДИ. ЭНГ АВВАЛО, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АСОС ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. 2017 ЙИЛДА “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ. ҚОНУНДА КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ, КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК КАБИ ТУШУНЧАЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТИЛДИ, ШУНИНГДЕК, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УШБУ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИБ БЕРИЛДИ.**

Таҳририят танловига

Ахборотнинг очиқлиги коррупцияга қарши курашишда асосий омил ҳисобланади, чунки масс-медиа жамият онгига катта таъсир кўрсатади ва хулқ-атворнинг барқарор стереотипларини шакллантиради.

Фикримча, ОАВ нафақат ахборот манбалари сифатида фаолият кўрсатиши керак, балки коррупцияга қарши курашиш тизимининг бир қисмига айланиши ва мамлакатнинг коррупцияга қарши стратегиясини тарғиб қилишда пойдевор бўлиши муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, коррупцияга қарши сиёсат масалаларида ОАВ ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ҳамкорлик усулларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш зарур.

**— Сиз Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашидан ташқари Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ҳам раҳбарлик қиласиз. “Бошқарув сифатининг индикаторлари” (унга “Коррупцияни назорат қилиш” киради), “Коррупцияни қабул қилиш индекси” ва “Қонун устуворлиги индекси” (унга “Коррупция йўқлиги” киради) каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Ўзбекистон коррупцияга қарши курашишда ижобий натижага эришган 16 та мамлакат қаторига киради. Биринчи навбатда, мамлакатимизда ислоҳотлар суръатига баҳо берилади. Таъкидлаш жоизки, “Қонун устуворлиги 2020” индекси бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг катта ютуқларга эришган. Ҳисоботга кўра, Ўзбекистон умумий рейтингда 0,47 балл билан 92-ўринга кўтарилди. Бироқ одамлар суд-ҳуқуқ тизимидан мамнун, дейишга ҳали эрта. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу режада судьялар фаолиятига аралашиш ёки уларга мансабдор шахс томонидан ҳар қандай босим ўтказиш ҳолатлари тўғрисида Судьялар олий кенгаши тақдимоти натижаларини Сенатда кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш масаласи ўрганилмоқда. Судьяларнинг коррупцияга мойиллигини аниқлаш мақсадида яширин мониторинг ўтказиш режалаштирилмоқда. Мониторинг натижалари ҳар йили Судьялар олий кенгашида муҳокама қилинади.

**Халқаро “Transparency International” ташкилоти томонидан тузиладиган индексда Ўзбекистон сўнгги йилларда ўз ўрнини яхшилаб олди, бироқ бу мудҳиш иллатни тўлиқ йўқ қилиш учун ҳали кўп вақт бор. Айни пайтда республика кенгаши давлат органларида коррупция хавфлари пайдо бўлишини мониторинг қилиш ва баҳолаш амалиётини ишлаб чиқиш ва жорий этишни назарда тутувчи 2030 йилгача коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегия лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Бу коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор индикаторлардан иборат миллий индексга айланади.**

Республика кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатлар гуруҳларининг халқаро ташкилотига (ГРЕКО) қўшилиш, шунингдек тегишли конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш масалалари ўрганилмоқда. Халқаро рейтингларда Ўзбекистон эгаллаган ўринларнинг яхшиланиши бевосита халқнинг турмуши яхшиланиши билан боғлиқ. Халқаро рейтинглар ва индекслар эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кўзгуси ва эътироф этилишидир.

**— Жамиятимизда коррупцияга қарши кураш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида барча давлат органларида коррупцияга қарши ички назорат «compliance control» тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бунинг аҳамиятини изоҳлаб берсангиз.**

— Compliance-control — қандайдир муносабатлар юзага келганда ҳуқуқий ва молиявий хатарларни баҳолаш ва бошқариш учун ички тизимдир. Энг муҳими, шу йўл билан коррупцияга мойил бўлган фаолият йўналишларини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг самарали механизмларини яратиш мумкин. Оддий қилиб айтганда, бу ички хавфсизлик тизими. Афсуски, шу чоққача бизда бундай тизим асосан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида бўлган. Негадир коррупция ҳодисалари фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида мавжуд, деб ўйланган.

2021 йилдан бошлаб барча давлат идораларида «compliance control» тизимини татбиқ этиш кўзда тутилган. Бунда нафақат ўзининг хавфсизлиги, балки коррупцияга қарши мувофиқлик тизими ҳам ҳисобга олинади.

Кўплаб давлат идораларида бу борада иш бошлаб юборилди, улар ўзлари «compliance control» тизими учун махсус бўлинмалар яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Келгуси йилдан бошлаб биз барча вазирлик ва идоралар учун ушбу тизимни татбиқ этиш ва алоҳида «compliance control» бўлимини очишни мажбурий қилмоқчимиз. Токи, бирор ташкилотда ишлашни истаган киши қонундан ташқари қандай ўйин қоидалари борлигини, у ёки бу ташкилотда ишлаш учун қандай мутахассис бўлиши кераклигини билиши учун алоҳида тизимга эга бўлсин.

**— Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун тақдим этилди. Унга кўра, коррупция ҳолати ҳақида хабар берган фуқаролар моддий рағбатлантирилади. Сизнингча, бу механизм қанчалик самарали бўлади?**

— Агар фуқаролар коррупция ҳолатлари ҳақида ахборотга эга бўлсалар, улар бу ахборотни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказганида, биринчи навбатда, ўз фуқаролик позициясидан келиб чиқишлари керак. Жамият манфаатлари йўлида коррупция ҳолатларини фош қилган кишиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳимдир. Шу боис, ушбу қарор лойиҳаси коррупция иллатига қарши курашишда халқимизнинг фаоллигини, жамиятдаги ислоҳотларга дахлдорлигини ошириш, фуқаролик жамиятини кучайтириш орқали муаммонинг илдизини қирқишда яна бир ўзига хос ҳуқуқий асос бўлади, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ортга қайтмайдиган тус олди. Бу йўналишда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган эзгу ишлар халқимизнинг розилигини олиш, янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ва тараққиётнинг юксак босқичларига кўтарилишимизда муҳим замин бўлади.

**Салим ДОНИЁРОВ**
**суҳбатлашди.**

**Юқори қувватда ишлаётган замонавий ускуналарни бошқариб турган ишчиларнинг айтишича, ҳар бир станок 1 соатда 100 жуфт пайпоқ ишлаб чиқаради.**



Қишлоқ хўжалиги





Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

# ЛОЙИҲАДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГАЧА

## “Ангрен” ЭИЗда инвестицияларни ўзлаштириш кўлами кенгаймоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**“Ангрен” эркин иқтисодий зонаси Тошкент вилоятидаги йирик саноат ҳудудларидан бири ҳисобланади. Жами 4 125 гектар майдондан иборат иқтисодий зона Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари, Оҳангарон туманидаги А-373 магистрал йўли шимолий қисми ҳамда Бекобод шаҳри ҳудудларини ўз ичига олади. Бир вақтлар ташландиқ, фойдаланилмай ётган бу жойларда бугун энг замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қад ростлаган. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган пресс-тур давомида журналистлар “Ангрен” ЭИЗдаги бир қанча йирик корхоналар фаолияти билан танишди.**

Ҳозирги кунда зонада умумий қиймати 1 миллиард 452 миллион долларга тенг жами 117 та лойиҳа жойлаштирилган бўлиб, 60 та корхона негизида 70 та лойиҳа ишга туширилди. Бу орқали 8 мингдан ортиқ киши доимий иш ва даромад манбаига эга бўлди. Жорий йилнинг январь-октябрь ойи давомида мазкур корхоналарда 3 триллион 279 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 62,1 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришилди.

— Саноат зонасида лойиҳаларни жойлаштириш бошланган 2013 йилда 4 та корхона ишга туширилган эди, — деди “Ангрен” ЭИЗ директори Муталлибжон Ҳожимуродов. — Илк давр, яъни 2013-2016 йиллар мобайнида 16 та лойиҳа амалга оширилди. Кейинроқ Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан инвесторлар учун кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзларининг берилиши хорижлик тадбиркорлар қизиқишини янада оширди. Натижада 2017-2020 йилда иқтисодий зонага 101 та лойиҳани жойлаштиришга эришилди. Уларни амалга ошириш учун 783,9 миллион долларлик, жумладан, 294,4 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Тадбиркор тегишли ҳужжатларни тақдим этиб, лойиҳаси мавжуд талабларга жавоб бергач, “Ангрен” ЭИЗдан унга ер ажратилади. Шу кундан бошлаб у саноат зонасининг бир қисмига айланади ва бошқалар қатори имтиёзларга эга бўлади. Хусусан, у ишга туширадиган корхонага электр тармоқлари, ичимлик сув ва канализация, юқори босимли газ қувури ҳамда автомобиль йўлларини олиб боришни иқтисодий зона ўз зиммасига олади. Ишлаб чиқарувчига бир қатор солиқ имтиёзлари ҳам берилади. Корхона технологик ускуна ва эҳтиёт қисмлари олиб кирганда, божхона тўловларидан озод қилинади. Солиқ имтиёзлари инвестиция қийматига қараб 3 йилдан 10 йилгача, божхона имтиёзлари эркин иқтисодий зона фаолияти якунигача амал қилади. “Ангрен” ЭИЗ ана шундай имкониятлари билан кўплаб инвесторларни жалб қилмоқда. Бунга, айниқса, хитойлик инвесторларнинг қизиқиши юқори. Хусусан, ушбу мамлакатдан кириб келган 342 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция асосида зонада 28 та лойиҳа жойлаштирилган.

### ХИТОЙНИНГ МАШҲУР БРЕНДИ “АНГРЕН” САНОАТ ЗОНАСИДА

Пресс-тур иштирокчиларининг илк манзили Хитойнинг Шинжон халқаро савдо жамияти инвестиция маблағлари ҳисобидан ишга туширилган “Limax Gold Textile” корхонаси бўлди. Бу ерда жаҳонга машҳур “Limax” бренди остида йилига 10,8 миллион жуфт пайпоқ, 337 минг тонна спандекс ип, 500 тонна полиэстер ип, 60 тонна нейлон ип ҳамда 80 тонна резина ип ишлаб чиқарилади. 2017 йилда иш фаолиятини йўлга қўйган корхона жорий йилда 30,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, Қозоғистон, Россия, Қирғизистонга 1,7 миллион долларлик экспорт қилишга эришди.

Юқори қувватда ишлаётган замонавий ускуналарни бошқариб турган ишчиларнинг айтишича, ҳар бир станок 1 соатда 100 жуфт пайпоқ ишлаб чиқаради. Корхонага 230 та станок ўрнатилган бўлиб, 269 та доимий иш ўрни яратилган. “Limax Gold Textile” МЧЖ директори ўринбосари Wei Ai Guo келгуси режалар билан ўртоқлашар экан, яқин йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда маҳаллийлаштириш кўрсаткичларини янада ошириш ниятида эканини билдирди.

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧИ ОРТМОҚДА

Саноат зонасидаги яна бир йирик корхона — “Quality devices” МЧЖда “Artel” ва “Shivaki” бренди остида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли телевизор, монитор ва микротўлқинли печь нафақат маҳаллий бозорларимиз, балки бир қанча хориж давлатларига катта миқдорда етказиб берилмоқда. 2019 йилда ишга тушган лойиҳанинг умумий қиймати 12,084 миллион доллар. Шундан 1,02 миллион доллари Туркиянинг “Ilr sabah insaat anonym sirketi” томонидан тўғридан-тўғри инвестиция тарзида киритилган.

4,8 гектар майдонни эгаллаган корхона ҳудуди бир нечта ишлаб чиқариш цехи ҳамда омборхоналарни ўз ичига олади. Маҳаллийлаштириш кўрсаткичи 65 фоиз бўлиб, телевизор панеллари, техник база, ташқи ва ички рамкалар ҳамда металл маҳсулотлар каби асосий ускуналар корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилади. 2021 йилнинг май-июнь ойларида телевизорнинг LED чироқларини ҳам маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш цехларида асосий вазифани “ақлли” технологиялар ёрдамида замонавий ускуналар бажарса-да, уларни бошқариб туриш талаб этилади. Диққатни жамлаган ҳолда барча жараёнларни назорат қилиш осон эмас. Аммо корхонада меҳнат қилаётган ёш мутахассислар буни аъло даражада уддаламоқда. Бу ердаги 550 нафар ишчининг аксарияти махсус билимларга эга, ўрта махсус таълимни тамомлаган ёш йигит-қизлар экани бежиз эмас.

Бугунги кунда “Quality devices” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Шу боис, жорий йилда ишлаб чиқарилган 667,6 миллиард сўмлик маҳсулотдан 4,8 миллион долларлик қисми Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистонга экспорт қилинди. Келгусида корхона экспорт географиясини янада кенгайтириш ниятида.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЕТАКЧИ КОРХОНА

Россиянинг иссиқлик изоляцияси материаллари ишлаб чиқарувчи “Пеноплекс” корхонасининг Ўзбекистондаги филиали ҳам “Ангрен” ЭИЗда ишга туширилган. 2019 йилда фаолиятини бошлаган йирик корхонага 3,742 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилган бўлиб, бу ерда йилига 100 000,0 метр куб кўпиртирилган пенополистиролдан тайёрланган иссиқлик изоляцияли плиталар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистондан ташқари Россия Федерациясида 8 та, Қозоғистонда 1 та шундай заводи мавжуд бу компания ўз олдига юртимиз учун янги бўлган юқори сифатли иссиқлик изоляцияси материалларини етказиб беришни мақсад қилган. Заводда Европада тайёрланган 500 кг/соат қувватга эга ишлаб чиқариш линияси ўрнатилган. У Ўзбекистон қурилиш бозори, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги изоляцион материалларига бўлган талабни қондириш имконини беради.



**Айни пайтда корхонада 111 кишининг доимий бандлиги таъминланган бўлиб, уларнинг сифатли ишлаши учун қулай шароитлар яратилган. Заводдаги ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда қиймати 34,2 миллиард сўмлик 55 минг метр куб иссиқлик изоляцияси материаллари ишлаб чиқарилиб, шундан 233,4 миллион долларлик маҳсулот чет давлатларга экспорт қилинди.**

### КЕРАМИКА СОҲАСИГА ИХТИСОСЛАШАЁТГАН АНГРЕН

Пресс-тур давомида журналистлар керамик плиткалар ишлаб чиқарадиган “Lyux Granit” ҳамда глазурланган керамик плиткалар тайёрланадиган “National Ceramix” корхоналарида ҳам бўлиб, Ўзбекистон бозорига чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотларнинг энг сифатли ва ранг-баранг хиллари билан танишди.

Маҳаллий инвестор Олимжон Набиқулов томонидан ташкил этилган “Lyux Granit” МЧЖ керомагранит ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистонда иккинчи, ишлаб чиқариш қувватига кўра энг каттаси ҳисобланади. Корхонада ўрнатилган ускуналар Италиянинг машҳур “Siti B&T Group” компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, жараёнда асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилади.

Керамик плиталар ишлаб чиқараётган “National Ceramix” қўшма корхонаси ҳам ўз соҳасида Марказий Осиёдаги етакчи компаниялардан бирига айланган. Бугунги кунда корхонада бозор талабига мос тарзда турли ҳажм, хилма-хил рангда пол ва деворга мўлжалланган керамик плиталар ҳамда керомагранит ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда 63,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 2,1 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Ана шундай йирик инвестицион лойиҳалар ишга туширилаётган “Ангрен” ЭИЗда келгуси режалар ҳам бисёр. Ҳозирги кунда бу ерда умумий қиймати 97,1 миллион долларлик яна 7 та лойиҳани жойлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Булар қаторида Ўзбекистон бозорида талаб юқори бўлган ойна, скотч, нотўқима маҳсулотлар, саноат совитгичларини ишлаб чиқариш режалари бор. Лойиҳалар тасдиқланган тақдирда қўшимча 50 гектар ер майдони банд қилиниб, 820 та янги иш ўрни яратилади.

Ислоҳот



# ХАЁЛ ЭДИ, ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Атиги тўрт йилгина муқаддам бу шунчаки хаёлга, фантазияга ўхшарди. Мамлакатимизнинг шимолида жойлашган Хоразм шароитида ўн сотихмас, бир гектармас, етти гектарли иссиқхона яратиш лойиҳасига шубҳа билан қараганлар бўлган. “Бунчалик катта майдонда бир меъёрдаги ҳароратни сақлаш ва яна деҳқончилик қилиш осон иш эмас! Қаҳратон қишда ҳаво ҳарорати баъзида минус ўттиз даражадан ҳам пастлаган вақтда иссиқлик таъминотида узилиш рўй берса, сарфлаган харажатларингга куйиб қоласан”, деган эътирозлар кўп айтилган.

Негаки, илгари вилоятда катта ўлчамдаги иссиқхоналар деярли бўлмаган. Айрим хўжаликлар ташкил қилган кичикроқ иссиқхоналар ўзини оқламай, кейинчалик тугатиб юборилган. Хонадонлар томорқаларидаги кичик ўлчамли иссиқхоналар довруғи эса, маҳалласидан нарига чиқмайди. Аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнаркан.

Қуйи Амударё минтақасидагина эмас, мамлакатимиздаги энг йирик, сўнгги замонавий технологияларга асосланган етти гектарли иссиқхона шу зайил барпо бўлди.

— Иссиқхонамиз жаҳон стандартларида белгиланган меъёрлар талабига тўла жавоб беради. Катталиги жиҳатдан МДҲ давлатларидаги иссиқхоналар орасида иккинчи ўринда туради, — дейди “RED STAR OXUS” масъулияти чекланган жамияти раиси Жасур Аминов. — Катта лойиҳалар катта маблағларни талаб қилади. Мазкур лойиҳани ишга тушириш учун 205,1 миллиард сўм сарфланди. Бу 20 миллион АҚШ доллари дегани. Ушбу маблағнинг 15 миллион долларини хорижий банкдан, 5 миллиард сўмини эса ўзимизнинг банкдан имтиёзли олдик.

Деҳқончилик ҳамма замонларда таваккалчиликка асосланади. Чунки табиатнинг кутилмаган инжиқликлари бўлади. Баҳор кеч келиши, экинлар ривожи учун ҳарорат етарли бўлмаслиги мумкин. Барча қийинчиликларни матонат билан енгиб, энди ҳосил кўтарай деб турганингда куз қилиқ чиқаради – бир кечада қиров тушади. Бир йиллик меҳнатингга куйиб қолаверасан. Аммо замонавий технологияларга асосланган иссиқхонада фақат ёз фасли ҳукмрон. Энг муҳими шу!

Деярли ярим йилда қуриб битказилган бу йирик иссиқхонага йил бошида илк кўчатлар экилди ва орадан ўтган ўн бир ой ичида ҳосил узлуксиз пешма-пеш йиғиб олиниб, воҳа бозорларига ва аксар маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Ўтган ўн ойда бу ерда 425 тонна помидор ва



минг тонна бодринг етиштирилди.

Йирик иссиқхона мукаммал бир мажмуа. Жаҳон талабларига жавоб берадиган сабзавотлар шу ернинг ўзида стандарт талаблари бўйича кўрикдан ўтказилиб, тегишли ҳужжатлар берилади. Хорижга жўнатилаётган маҳсулотлар учун зарур божхона ҳужжатларининг аксари ҳам шу ерда расмийлаштирилади. Бу эса янги пишган ва узилган помидор ҳамда бодринг неча минг чақирим узоқликда жойлашган қайсидир давлатнинг шаҳарларидаги истеъмолчиларга асл ҳолида етказилишини таъминлайди. Сифати ўз ҳолида сақланиши эса маҳсулот нархи кўзлагандек бўлиши учун муҳим омил.

Мазкур иссиқхона мажмуасида янгидан очилган 75 та иш ўрнида маҳаллий ёшлар, деҳқончилик соҳаси мутахассислари меҳнат қилишяпти.

Бир йил олдин ўхшаши йўқлиги учун таваккал билан бошланган лойиҳа қисқа муддатда ўзини оқлади. Оқладигина эмас, янада каттароқ лойиҳаларга илҳомлантирди. Ҳозир мазкур мажмуага ёндош майдонда яна битта шундай иссиқхона қурилиши бошланган. Буниси энди 8 гектар майдонни эгаллайди. Келгуси йилда ишга тушадиган янги иссиқхонада 150 та иш ўрни яратилади.

Замонавий фанда “гидропоника усули” деб аталадиган, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш тажрибаси воҳада қисқа муддатда ўзини оқлади ва эндиликда бу усул бошқа ҳудудлар томонидан тажриба сифатида ўрганиляпти.

Бу янгича ислоҳотлар меваси, ёрқин келажагимизни таъминлайдиган иқтисодий омил!

Муносабат

# БУЮК САНЪАТКОРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

**Мамлакатимиз раҳбарининг буюк санъаткор Ботир Зокировнинг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарорини ўқиб, муболағасиз айтаманки, кўзимга ёш келадиган даражада хурсанд бўлдим. Миннатдорчилигимнинг сабаби шуки, Ботир Зокиров номини у ёқ-бу ёқдан ёки радио-телевидениедан эшитган эмасман. Мен унинг овозини, қўшиқларини у билан ёнма-ён, ҳамнафас ҳолда эшитган ва энг шарафлиси, шундай инсоннинг оқ фотиҳасини олган санъаткорлар қаторидаман.**



Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти

Бу инсон билан бир саҳнада биргаликда қўшиқ куйлаш бахтига муяссар бўлганман. Қолаверса, Ботир Зокировдек буюк санъаткор санъатдаги келажагимга ишонч билдиргани мен учун шараф эди. Ўшанда санъатни танлаб тўғри қилганимни, мусиқа ва саҳна менинг тақдирим, ҳаёт йўлим эканини тушуниб етганман. Мана қирқ йилдирки, санъат йўлидаман, шу йўлда ўз услубимни, бахтимни топдим.

Ўзим учун энг муҳими, Ботир аканинг менга бўлган ишончини оқлашга озми-кўпми, ҳаракат қилаётганим. Санъатга дадил кириб келишимга туртки берган, шундай инсон билан учрашганим, ҳамнафас бўлганим, асосийси, ишончини қозонганимдан бугун яна бир карра бахтлиман.

Шу ўринда айтишим керакки, мен Ботир ака мисолида буюк инсонлар камтар бўлишини кўрдим. Катта-кичикни бирдек кўрадиган, ҳеч кимдан маслаҳатини аямайдиган, бировнинг дилига заррача озор бермайдиган, кўнгли пок, беғубор инсон эди. У кишини ўзимга устоз деб, кам бўлмадим.

Ҳалигача санъат билан боғлиқ масалаларда иккилансам ва бир қарорга келишим керак бўлиб қолса, ўзимга “Ботир ака нима деган бўлар эди” деб савол бераман. Гўё устозим ҳали ҳам менинг қарорларимга фикр билдириб, ҳалиям йўлларимни назорат қилиб тургандек туюлади.

У эстрадамизнинг пойдеворини қўйди. Ботир Зокировдек инсон таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш давлатимиз раҳбари томонидан эътиборга олиниши жуда қувонарли. Миллий эстрада олий мактабининг очилиши, ёдгорлик мажмуаси, музей барпо этилиши, янги ҳужжатли фильмлар, спектаклларнинг яратилиши, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада симфоник оркестри ташкил этилиши каби эзгу ишлар, ишонаманки, бугунги кунда бироз обрўсизланиб қолган эстрада жанрини қайтадан юксалтиришга хизмат қилади.

Эстрада соҳасида ишлайман деган одамда мусиқа ва театр санъати учун керак бўладиган барча талаблар мужассам бўлиши керак. Эстрада санъати энг оммавий санъат бўлгани учун бу йўлни танлаган санъаткор актёрликдан, хореографиядан ҳам хабардор бўлиши талаб этилади. Шунингдек, эстрада замонавий йўналиш бўлгани билан аллақачон классикага айланиб улгурган. Унда ижод қилиш учун мақом, халқ оғзаки ижоди, жаҳон эстрадаси, вокалдан мустаҳкам пойдеворимиз бўлмоғи лозим. Буларнинг ҳаммасини жо қилмай туриб, етук эстрада вакили бўлишнинг иложи йўқ. Ўйлайманки, олий эстрада мактабида ёшлар муносиб устозлар қўл остида ҳар тарафлама мукаммал билим олади. Ва эстрадага фақат хоҳиш бўлгани учунгина кириб келиб бўлмаслигини амалда исботлашади. Бу йўлда буюк устоз Ботир Зокиров қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганишади.

**10 декабрь —
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мадҳияси қабул қилинган кун**

# ХАЛҚНИ ХАЛҚ ЭТГУВЧИ МУҚАДДАС ҚЎШИҚ

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Ёзувчилар уюшмаси биносида янграган мадҳиямиз садолари Адиблар хиёбони узра кезиб, унинг муаллифлари руҳини яна бир карра шод айлаган бўлса ажаб эмас. Зеро, мадҳиямиз ўзининг яратилиши билан боғлиқ ҳаяжонли жараёнлар ҳақида сўз очилган кеча олдидан тантанавор жаранглади.**

**“Ватаним мадҳияси — фахрим, ғурурим”** мавзусидаги ушбу тантанали тадбир кечаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти ташаббуси билан ташкиллаштирилди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Божхона институти бошлиғи Восид Эргашев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг турмуш ўртоғи, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси Ҳанифа Орипова, Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева ва Гавҳар Зокирова ҳамда Божхона институти профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар мадҳиямиз Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳоновдек икки буюк ижодкорнинг гўзал ижод маҳсули, истиқлол рамзи эканлиги, уни ёш авлод қалбига чуқур сингдириш ватанпарварлик туйғусини янада оширишини айтиб ўтди. Шунингдек, ҳар бир давлатнинг мадҳияси ўша халқнинг орзу-умидлари, озодлигидан ер курраси бўйлаб акс-садо бериб туриши, мамлакатимиз мадҳияси ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни намоён этишини ҳам таъкидладилар.

Мадҳиямизнинг дунё юзини кўриши билан боғлиқ энг қизиқ хотираларни ёдга олган Ҳанифа Орипова кечага ўзгача файз улашди.

— Эртага сессия бўладиган кун, Мутал ака кириб келди. У киши билан қўшни турар эдик. Мадҳиянинг мусиқага тушмаётган сўзлари устида Абдулла ака билан ишлашлари керак эди. Обдон ишладилар. Ўша куни тонг саҳарга қадар уларнинг хизматида бўлганим боис битта сўз учун ҳам қанча вақт сарфланишига гувоҳ бўлганман. Ҳатто, болаларимиз ҳам ухлагунларига қадар жўр бўлиб куйлаб кўришди. Мусиқани тушунадиган қизимиз мусиқасини чалди. Умуман, бутун оиламиз ҳаяжон билан Абдулла аканинг мадҳияси танловдан ўтишини истадик. Энг қизиғи, “Оламни маҳлиё айлаган диёр” сатри “Оламни ўзига қаратган диёр” тарзида эди. “ўзига қаратган” сўзлари ҳеч мусиқага тушавермади. Ва ниҳоят, саҳарга яқин унинг “маҳлиё айлаган” деган муқобили топилди. Танлов натижаси эса биз кутгандек бўлиб чиқди, — деди шоирнинг турмуш ўртоғи.

Тадбирда Божхона институти курсантларининг Ватанни мадҳ этувчи шеърлари, Муножот Йўлчиева ижросидаги куй-қўшиқлар ҳам янгради. Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова халқимизнинг уч буюк фарзанди — Ботир Зокиров, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Ориповнинг ҳар бири юксак эътироф ва эҳтиромга муносиблиги, уларнинг юбилей саналарини нишонлаш тўғрисида куни кеча қабул қилинган қарорлар ҳақида ҳам гапириб ўтди. Абдулла Ориповнинг энг дилбар шеърларидан ёд олиб, мадҳиямизга умрбоқийлик тилади.




## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИ ВА ИЖОДИНИНГ МАҲСУЛИ

**Қадимий Шарқ ҳамиша ўзининг кўҳна анъаналари, бетимсол қадриятлари билан кишилик жамиятига ўз таъсирини ўтказиб келган. Жумладан, Туронзамин жаҳоннинг улуғ давлатчилик солномасида ўзининг қатор ҳокимият тузилмалари, довруқли салтанатлари, давлат ишларини юритиш тажрибаси билан муносиб ўрин тутади. Айниқса, давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари барпо этилиб, бу борада муайян тажрибага эришилган.**



**Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори, профессор**

Халқнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва маърифатини ўстириш баробарида жамиятда қонунлар устуворлигини таъминлаш, ҳамма учун бирдек тааллуқли, адолатли, ҳаққоний қонунлар ишлаб чиқиш тизимлари яратилган. Шу боис, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституциямиз ҳам том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Ўзбекистон Конституциясининг ғояси, мақсади, руҳи — ҳар бир қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат юритиш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир.

"Кенгашли тўй тарқамас" деган ғоят ибратли бир ҳикмат бор халқимизда. Ижтимоий ҳаётимизнинг қайси бир жиҳатига эътибор қаратмайлик, мана шу ҳикматга амал қилинишини кузатишимиз мумкин. Қайси бир жойда ибратли бир иш бўлса, у кенгашилган тадбирнинг натижаси эканига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас, зотан биз улуғвор ўтмишимиздан шундай сабоқ олганмиз. Соҳибқирон Темур ўз тузукларида бундай таълим беради: "Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур... Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин... Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим".

Бу фикрлар тўғридан-тўғри халқнинг хоҳиш-иродасини қонунларда ифода этиш, баайни унинг томонидан сайланган вакиллар орқали бажарилиши лозимлигини билдиради. Шунинг учун ҳам "Давлатнинг манбаи халқ" деган қоида барча замонларда ўз долзарблигини сақлаб келган. Жан Жак Руссо "Қонунга итоат этгувчи халқ унинг ижодкори ҳам бўлмоғи лозим", дейди.

Президентимиз "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир", деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, суверен юртимиз Конституцияси — инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик хартияси бўлиб, у ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифасини ўтаб келмоқда. Конституция давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг тараққий топган, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Бош қонунимизнинг моҳияти ҳақида тўхталиб, бундай деб таъкидлаганди: "Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси — Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради. Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз. Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди".

Дунё ҳамжамияти олдида янгиланган қиёфаси, халқаро ҳамжамият билан яқин қўшничилик, стратегик шериклик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган очиқлик ва ошкоралик сиёсати билан танилиб, жаҳонда тутган ўрни ва нуфузи йилдан-йилга юксалиб бораётган Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган инсонпарвар ислоҳотлар туфайли юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлари мустаҳкамланиб, замонавий демократик тараққиёт учун замин яратмоқда.

> **Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлиқ асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқ. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, конституцион талабларга қатъий риоя этиш даркор.**



Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, аждодларимизнинг унда мужассам бўлган буюк мероси ва умуминсоний қадриятларини ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлиқ асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқ. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, конституцион талабларга қатъий риоя этиш даркор.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбида ва амалида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ демократик тафаккур ва янги ғояларни камол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини англаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Маънавий бой ва ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори билимли, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш миллий истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади. Ҳозирги замонда айнан шундай ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалишида ҳам улкан омилдир. Яна бир муҳим жиҳати — у миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан тараққий этган мамлакатда демократик қадриятлар ва кўникмалар барқарор ривожланади. Чунки интеллектуал бойлик фақат билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан бирга, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз ана шу омилларнинг барчасини назарда тутиб, Ўзбекистонда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббус ва ғояларни мунтазам илгари суриб келмоқда. Бу ташаббуслар амалда ўз тасдиғини топиб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани баробарида жаҳон ҳамжамияти эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда.

Конституциямизнинг 42-моддасида "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", дейилган. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қоиданинг ҳаётимизга нечоғлиқ чуқур татбиқ этилаётганини кўриш, кузатиш кишига ғурур бағишлайди.

# ИНСОН ТАҚДИРИНИ ЁРҚИНЛАШТИРУВЧИ ҲУЖЖАТ

**Дилнавоз ТОЖИБОЕВА,
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси**

**Инсоният тарихига, инсон тақдирига таъсир қилувчи воқеа, ҳодисалар кўп бўлган. Уларнинг айримлари ижобий бўлиб, ривожланишга, тараққиётга сабаб бўлса, айримлари аксинча. Инсон тақдирига ижобий таъсир қиладиган воқеалардан бири Конституция аталмиш ҳужжатнинг яратилиши ва қабул қилинишидир.**

Ҳақиқатан ҳам Конституция инсон онгининг олий маҳсулларидан биридир. Шунинг натижасида зўрлик чекланди, адолатга йўл очилди, эркинлик таъминланди, давлат фаолияти чегараланди. Дастлабки конституцияларда, жумладан, АҚШ Конституциясида, асосан, ҳокимиятни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилган бўлса-да, ҳокимият фаолияти аниқ қоидалар билан тартибга солинди.

Таъкидлаш жоизки, собиқ тузум даврида формал равишда амал қилган конституцияларда ҳам инсонга тааллуқли кўпгина ижобий қоидалар мавжуд эди. Афсуски, тизим уларнинг рўёбга чиқишига имкон бермади. Конституциянинг ҳаётбахш кучини биз фақат мустақиллик давридан бошлаб ҳис қила бошладик.

Конституция туб моҳияти ва мазмунига кўра инсонпарвар ҳужжат. Унинг қоидалари инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши, камол топиши, манфаатлари юқори даражада ҳимоя қилинишига қаратилди. Унда инсон энг олий қадрият, деб эътироф этилди.

Инсон ҳуқуқлари шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, мавжуд ҳуқуқ тизимига, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократлашув даражаси, сифат кўрсаткичи ролини ўтамоқда. Айни пайтда инсон ҳуқуқларининг мавжуд аҳволи умуман жамиятнинг ривожланиш, етуклик ва маърифийлик даражасини холисона ва аниқ кўрсатиб турувчи мезондир.

Конституция муқаддимасида белгиланган асосий ғоялар, жумладан, инсон ҳуқуқларига содиқликни эълон қилиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлашни мақсад қилиб қўйиш мамлакатимизда инсон манфаати бош масала эканини кўрсатади.

Конституциянинг 13-моддаси инсон манфаатларини юқори даражага кўтаради. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади.

Бош қонунимизда ҳар бир шахснинг қонун олдида тенглиги, ҳеч ким алоҳида имтиёзга (қонунда белгилангандан ташқари) эга эмаслиги, давлат ва шахс муносабатида фуқароликнинг ўрни аниқ белгилаб қўйилган.

Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлаш билан бирга, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирокини таъминловчи сиёсий ҳуқуқларини ҳам белгилайди.

Биринчи марта Конституциямизда мулкдор бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Бу ҳуқуққа Ўзбекистон фуқаролари ва мамлакатимизда яшовчи бошқа шахслар мустақиллик натижасида эришди. Чунки собиқ тузум даврида қабул қилинган бирорта Конституцияда бундай ҳуқуқ йўқ эди. Социалистик тузум хусусий мулкни инкор этарди. Собиқ тузумда жамиятдаги тенгсизликни хусусий мулкка эга бўлиш келтириб чиқаради, мулк кишини киши томонидан эксплуатация қилиш, эзиш сабаби, деб кўрсатилар эди. Ўзбекистон мулк ва унга эгалик қилиш масаласига бошқача ёндашди. Мамлакатда юритилаётган мулкдорлар синфини шакллантириш сиёсати ҳам ҳар бир кишини бойитиш ва у орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширишни кўзлайди.

Белгиланган бошқа иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳам шахсларга жамиятда ўз ўрнини топишга, маълумот олишга, таъминот билан таъминланишига, қисқаси, нормал турмуш кечиришга имконият яратади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Конституция Ўзбекистон фуқароларининг шахс бўлиб шаклланишида, уларнинг тақдирида ижобий роль ўйновчи ҳужжатдир. Ҳар биримиз Конституция нормаларига таянишимиз, ундан мадад олишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, Конституция келажакка бошловчи, келажак йўлимизни ёритиб турувчи манбадир.



# БУНЁДКОРЛИК ВА ЮКСАЛИШГА ЧОРЛОВЧИ МАЁҚ

**Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи**

**Жаҳон давлатчилиги тарихи кўрсатганидек, ҳар қандай жамият ўзига хос тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқади, уни амалга ошириш чораларини кўради, истиқболини белгилаб берадиган ҳуқуқий асосни яратади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Конституциямиз мустақиллик йилларида давлатимиз, жамиятимиз эришган энг катта ютуқларнинг пойдевори бўлди.**

Конституциямиз фуқаролар ўртасида тотувлик, миллий ва ижтимоий ҳамжиҳатлик, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлиги, сиёсий барқарорлик, фаровонлик ва иқтисодий ўсиш, давлатнинг инсон ва фуқаролар олдидаги ўз бурчини бажаришни таъминлашга йўналтирилган. Конституциямизнинг мазмунида тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби умуминсоний ғоялар мужассамлашганлиги унинг ўзига хос ютуғидир. Мазкур воқелик орқали Ўзбекистон барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга пойдевор қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Конституциямиз ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, мустақилликнинг бор-йўғи ўн беш ойи ичида қабул қилинди. 1992 йил 26 сентябрда Конституциянинг биринчи лойиҳаси тайёр бўлди. Унинг устида икки йилдан кўпроқ вақт давомида ишланди. Конституция лойиҳаси нуфузли халқаро ташкилотлар ва демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди. Бош Қонунимизнинг халқчиллигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ҳукмига эълон қилиш лозим бўлди. Лойиҳа шу куни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. 1992 йил 21 ноябрда лойиҳа иккинчи марта умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда чоп этилди. Шундай қилиб, икки босқичли умумхалқ муҳокамаси натижасида Конституциямизнинг халқчиллиги таъминланди.

Конституциямиз, аввало, инсонпарварлик, адолат ғояларига йўғрилган. Шунинг учун ҳам уни инсон қадриятини ўзида мужассам этган Бош қонун дейишимиз мумкин. У тобора давлат мустақиллигини мустаҳкамлаб, инсон ҳуқуқи ва эркининг ҳуқуқий кафолати сифатида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Унинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Жумладан, Бош қонунимизнинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", дейилган бўлса, Конституциямиз ота-оналар ҳақида ҳам бирдек қайғуради. "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар", дейилади 66-моддада. Кўриниб турибдики, Конституциямиз тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Конституциямизда миллатлар тенглиги, ҳар бир халқнинг эркин маънавий тараққиёти кафолатлари билан бирга кўп асрлик тарихга эга миллатимиз тараққиётининг замонавий босқичида яна ҳам камол топиши, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин олиши учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўтган 28 йил мобайнида мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларни асраб-авайлашга, уларни келажак авлодга бекаму кўст ва соф етказишга доир кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Конституциямизнинг 18, 29, 31, 61-моддаларида дин ва виждон эркинлиги белгилаб берилган. Унда халқимиз менталитетига мос келадиган ишонч-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Бош қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи ва динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари, миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Конституциямиз асосида мамлакатимизда диний қадриятлар соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, эришилган муваффақиятлар Бош қонунимизнинг ватанимиз ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Конституциямиз шарофати билан юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг виждон ва эътиқод эркинлигини тинчлик-осойишталикда, эмин-эркин бажариб келаётганини кўриш мумкин. Республикамизда Қонунчилик соҳасида ҳам ўзининг салоҳияти ва меҳнати билан юқори мавқега эришган турли миллатга мансуб кишилар фаолият кўрсатади. Бағрикенглик тинчликни сақлашнинг, уйғун ривожланишнинг энг муҳим тамойили бўлибгина қолмай, балки унинг зарур шарти ҳамдир. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларда, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларда инсон шаъни, эътиқод эркинлиги ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш ғояси ўз ифодасини топган.

"Ўзбекистоннинг Конституцияси советлардан кейинги давлатлар – собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчидир, – дея ўз мулоҳазасини билдиради америкалик эксперт Дональд С.Карлайл, – бошқа барча Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган. Конституция ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир". Карлайлнинг ушбу фикри Ўзбекистон Конституцияси ҳақида шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, балки бир неча мамлакатлар конституцияларининг ўзига хослигини ўрганган экспертнинг одилона баҳоси.

Ҳа, мустақил Ватанимиз тараққиёт йўлларидан дадил одимлашида муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилаётган Бош қонунимиз бундан кейин ҳам бунёдкорлик ва юксалиш йўлида халқимизни доимо олдинга бошловчи маёқ бўлиб қолади.

**2019 йилда тантанали равишда ўтказилган “Олтин ҳумо” миллий кинотақдимоти киноижодкорлар ва киномухлислар учун чинакамига байрам бўлди. Кино соҳасининг ҳақиқий жонкуяр истеъдодлари ўн олти номинация бўйича тақдирландилар. “Олтин ҳумо” миллий кинотақдимотининг анъанавийлигини таъминлашга қарор қилганмиз.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 5 декабрь, 235-сон

**Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади**

# БЕШ ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГ ТАКРОРЛАНГАН ТАРИХ



**Ғанишер РАҲИМОВ,
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ректори, филология фанлари доктори**

**Олис тарихга назар ташласак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган ватанимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини, бу заминда ҳар беш юз йиллик даврийлик билан буюк тамаддунлар тарих саҳнасига чиққанини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори-атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.**

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихида тараққиёт чўққиларини забт этишнинг машаққатли босқичларини кўриш мумкин. Бу босқичларда давлатчилигимизнинг шаклланиши, жамиятда илму фан, санъат ва маданиятнинг юксалиши, буюк сиймоларнинг ўз ижодида эришган ютуқлари жаҳон тамаддунининг ривожига ҳисса қўшишдек жараёнлар бор. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугун жаҳон миқёсида “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу охирги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганимиз ва эришаётган ютуқларимиз эътирофидир. Миллий руҳ ва умуминсоний қадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур мамлакатимиз барқарор ривожланишининг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга мақсад қилиб белгиладик. Учинчи Ренессанс халқимиз келажаги учун катта аҳамият касб этади. Буюк тарихи билан мақтанадиган миллатлар ва давлатлар жуда оз. Биз фахрланса арзийдиган тарихга эгамиз.

Деновда Саид Оталиқ мадрасаси меъморий ёдгорлиги сақланиб қолган. Ушбу мадраса XVI асрда воҳада ягона олий таълим маскани сифатида қурилган ва Деновда илм-фан ривожланишига пойдевор бўлган.

Оққан дарё оқаверади, деганларидек, орадан беш юз йил ўтиб, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 апрелдаги “Сурхондарё вилоятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ташкил этилди. Бу эса Деновда илмий муҳитни шакллантириш ҳамда Сурхон воҳасининг шимолий ҳудуди аҳолиси учун том маънода катта имкон бўлди. Шубҳасиз, бу даргоҳ воҳанинг шимолий туманларида таълим ва илм-фаннинг янада ривожланишига пойдевор бўлади.

Олийгоҳимизда тадбиркорлик анъаналарини илмий-инновацион услуб билан уйғунлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бутун жаҳонда малакали мутахассисларга талаб юқори. Фан оламида катта илмий салоҳиятга эга бўлган Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институтига таянч олий таълим муассасаси сифатида белгиланиши ҳам бу икки ҳудуд ўртасидаги қадимий боғлиқликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Самарқанд давлат университетининг таълим соҳасида узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаси, шубҳасиз, институтимизнинг илмий салоҳиятини оширади, ўқув-методик жараён таъминотига кўмаклашади. Янги очилаётган ва мавжуд йўналишлар бўйича ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёж университет ахборот-ресурс маркази томонидан қондирилаётгани профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимизни қувонтирди. 15 минг дона дарслик ва бадиий китоб, электрон адабиётлар ва ресурслар ажратилди. Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти, Тошкент иқтисодиёт университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳам олийгоҳимизга ўқув адабиётлари, электрон ресурслар ажратди. Бу қўлланмалар талабаларга сифатли таълим бериш учун асқотяпти.

Институтимизда дунё таълим тизимининг илғор технологияларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш билан бирга, маънавий-маърифий, илмий педагогик анъаналар давом эттирилмоқда ва улар Денов туманида замонавий институт модели яратилишига хизмат қилмоқда. Илмий салоҳиятли ва малакали профессор-ўқитувчилардан 180 нафари таълим жараёнига жалб қилинди. Уларнинг 20 нафари илмий даражали ҳамда 40 нафарга яқини магистратура битирувчисидир.

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб профессор-ўқитувчилар ва талабаларимиз учун барча фанларнинг электрон ресурсларини ўз ичига олган таълим платформаси ишга туширилди. Телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилма билан таъминлаш, юқори тезликдаги интернетга, жаҳон ахборот ҳамда электрон таълим миллий тармоқларига уланиш чоралари кўрилди. Шу билан бирга, республикамизнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари иштирокида онлайн семинар-тренинглар, назарий ва амалий машғулотлар ташкил этиш орқали тажриба алмашинуви йўлга қўйилган. Бу эса ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институтимиз Васийлик кенгаши қарорига асосан, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида республикадаги етакчи олийгоҳларда таҳсил олиш учун магистратурага 32 та ўрин ажратилди. Шунингдек, тегишли соҳалар бўйича 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада етук илмий педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш ниятида иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, молия, банк иши, ахборот-коммуникация технологиялари, педагогика, математика, кимё, биология, инглиз ва рус тиллари, тарих йўналишларида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида олийгоҳимиз учун мақсадли квоталар ажратилиши белгиланди. Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида республика миқёсидаги “Тадбиркорлик ва педагогика” илмий журнали ташкил қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлигининг лойиҳалари доирасида Мультимедиа маркази очилмоқда. Республика савдо-саноат палатаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Ёш тадбиркорлар” бизнес инкубатори ташкил этилади.

Етакчи олий таълим муассасаларининг салоҳиятли ва малакали профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш мутахассисларни институт таълим жараёнига жалб қилишни рағбатлантириш учун вилоят ҳокимлиги янги қурилган кўп квартирали уйлардан бирини ажратди. Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида институтимизда физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари фанлари учун замонавий лабораториялар ташкил этиш тизими йўлга қўйиляпти. 2021 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан, замонавий ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойи қурилади. Мавжуд ўқув бинолари таъмирланиб, замонавий тарзда жиҳозланди. Ёшларнинг олий таълим олиш эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бораётганини ҳисобга олиб, яқин орада жойлашган собиқ касб-ҳунар коллежлари бинолари оператив бошқарув ҳуқуқи билан институт балансига ўтказиб берилиши моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун қилинаётган амалий ишлар сирасидандир. Шунингдек, халқаро лойиҳалар асосида талабалар онлайн курсларини самарали йўлга қўйиш, таълимга информацион технологияларни кенг жорий этиш учун проекторлар, принтер, электрон доска ва компьютерлар харид қилинди. Институтимиз ҳудудида замонавий ахборот-ресурс маркази қуриш учун Термиз давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир миллиард сўм ажратилади. Бу ёшларнинг ахборотдан эркин фойдаланиши ва миллий қадриятлар, жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимларидан баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун катта моддий бойликларга эга юртлар эмас, иқтидорли ва салоҳиятли ёшлари бор давлатларгина чинакам фаровонликка эришмоқда. Глобаллашув жараёни ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизими сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба-ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизими ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, миллий таълим тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Масалан, айни шу вазифаларни ижро этиш учун Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг 168 нафар профессор-ўқитувчиси ҳам Денов ва Сариосиё туманларининг 164 та маҳалла фуқаролар йиғинида таълим, фан, маънавият соҳаларини тарғиб этиш юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида бириктирилди. Улар Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ҳар бир маҳаллада таништирув, тарғибот ишларини олиб бормоқда. Ангор, Денов, Олтинсой, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шеробод туманларидаги таълим рейтинги паст бўлган умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишни замон талаблари асосида такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини янада мустаҳкамлаш борасида амалий кўмак беряпти.



> **Президентимиз таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга мақсад қилиб белгиладик. Учинчи Ренессанс халқимиз келажаги учун катта аҳамият касб этади. Буюк тарихи билан мақтанадиган миллатлар ва давлатлар жуда оз. Биз фахрланса арзийдиган тарихга эгамиз.**

Мактаб ва мактабгача таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълим технологияларини янада ривожлантириш мақсадида Узун, Сариосиё ва Олтинсой туманларининг институтга бириктирилган таълим муассасалари сўнгги тезликда ишлайдиган оптик толали интернет тармоғи билан таъминланиши бу йўналишдаги ишларни замонавий ташкил этишда ўзига хос пойдевор бўлди.

Институтимиз мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари сафига қўшилиши учун бундан кейин ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз жадаллик билан давом этаверади.

**Кино санъати**



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

**Матёқуб МАТЧОНОВ:**

# КИНОНИНГ ТАРИХИЙ ШОН–ШУҲРАТИНИ БИРГАЛИКДА ҚАЙТА ТИКЛАЙМИЗ



**Кино инсон тафаккурини қисман бўлса ҳам ўзгартирувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи, унга маънавий озуқа, руҳий мадад бериб, эзгуликка чорлаб турувчи санъат туридир. Унда томошабин ўз армони ва орзу-умидларини хаёлан бўлса-да, рўёбга чиқара олади: фильм қаҳрамонлари билан бирга воқеалар жараёнида ҳамоҳанг яшайди, қувонади, йиғлайди, кулади, куюнади, ачинади, ҳавас қилади ва, энг асосийси, яхшилик ҳамиша ғолиб бўлишига ишониб яшайди.**

Ўзбекистон кино арбоблари уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Дўстлик” ордени соҳиби Матёқуб МАТЧОНОВ ҳаётини театр ва кино санъатига бағишлаган истеъдодли санъаткор. У фаолияти давомида шу пайтгача юзга яқин бетакрор ва ҳаётий образ яратган. Унинг иштирокидаги фильмларни ҳамиша севиб, мароқ билан томоша қиламиз. Устоз санъаткор билан суҳбатимиз ҳам самимий ва дилкаш кечди.

**— Матёқуб ака, суҳбатимизни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекфильм”га ташрифи, киноижодкорлар билан учрашувидаги таассуротларингиз билан бошласак.**

— Биласизми, учрашувдан маълум бўлдики, давлатимиз раҳбари кино янгиликларини эътибор билан кузатиб боради. Аслида Президентимиз 2017 йил августда юртимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувдаёқ кино соҳаси вакиллари учун Учинчи Ренессанс даври бошланганди. Ўшанда ҳам янги Ўзбекистоннинг шаклланишида ўзбек миллий кинематографиясининг роли ҳақида холис фикр билдирган. 2018 йилда “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши эса фикримизнинг далилидир. Илгарилари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йилига 5-6 та фильм ишлаб чиқариларди. 2018 йилдан 2020 йилга қадар эса 50 дан зиёд бадиий фильм ишланди. Уларнинг ўндан зиёди тарихий жанрдаги картинадир. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган “Илҳақ” тарихий бадиий фильми ҳам Президентимиз ташаббусига кўра жорий йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўзбек миллий телеканалларида премьера сифатида намойиш қилинди.

“Ўзбекфильм” киностудияси реконструкция қилингани бизни бағоят қувонтирди. 2021 йилда аввалгидан-да кўркам “Киночилар уйи”нинг бунёд этилиши ва кўплаб янги ташаббуслар Президентимизнинг кино санъатига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин намунасидир. Авваллари павильонларда муайян бир фильмнинг ёзги эпизодлари олинса, аёзли кунларда совуқдан дийдираб-қалтираб ўтирардик. Бугунги кунда ҳамма шароитлар бисёр. Ҳозирдан мўъжазгина кино шаҳарчаси қад ростлаяпти. Унинг ичида киноакадемия, киномактаб ва киноижодкорларнинг яшаши учун имтиёзли уй-жойлар қурилади. Буларнинг барчаси яйраб ижод қилиш учун катта имкониятдир.

**— “Халқнинг ичига киринглар, ёруғ ва иссиққина хонада ўтириб олиб тўқима сценарийлар ёзмасдан, халқ билан мулоқот қилиб, уларнинг дардини эшитинглар”, дея таъкидлаган Президентимиз соҳа вакилларига масъулиятни теранроқ англаш ва ўз истеъдодини ёрқинроқ намойиш этиш борасида нурли ва ёруғ бир йўлни очиб берди. Шундай эмасми?**

— Ҳа, албатта, олдимизга аниқ вазифалар қўйилди. Биз бу ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Халқимизга тарихимизни миллий фильмларимиз орқали кўрсатадиган вақт келди. Ишонаманки, киночилар бунинг уддасидан чиқишади. Биласизми, мен кўп хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўлганман. Лекин биронта мамлакатда киночиларни бу қадар қўллаб-қувватланганини кўрмаганман. Яқинда Қирғизистонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда ҳам қатнашдим. Улар билан савол-жавоб жараёнида Ўзбекистонда фильмлар харажати давлат бюджети томонидан қопланишини эшитган ҳамкасбларимиз бунга ишонишмади. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги декабрь ойидан бошлаб “Қишки премьералар мавсуми”ни эълон қилди. Турли жанрдаги янги фильмларни томошабинларга ҳавола этишни режалаштирди.

Тарихий жанрдаги фильмларни суратга олиш ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Эътироф этиш керакки, бугун “Ўзбеккино” ёшларга катта эътибор бермоқда. Авлодлар алмашиниши табиий, давр талаби. Ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги лойиҳаларни ишониб топшириш яхши самара беради, деган умиддаман. Бу йил агентлик томонидан “Дебют” фестивали ўтказилиб, 18 та ёш режиссёр учун грантлар ажратилди. Бу ҳам ёш киноижодкорларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир. Айни пайтда ўзбек санъатининг дарғалари, устоз санъаткорлар ҳақида ижодий портретлар қиляпмиз.

Президентимиз билан учрашувда гонорар масаласи ҳам кўтарилди. Тизим эски ҳолатда қолиб кетган, шу билан бирга, ижодкорларнинг меҳнат стажи билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди. Буларнинг ҳаммаси, насиб қилса, кўриб чиқилади. Киночилар бирлашиб, ҳамжиҳатликда ишлашимизни, халқимизга яхши асарлар тақдим этишимиз заруратини бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

**— Сиз раҳбарлик қилаётган ва “Олтин ҳумо” кинотақдимотини ўтказиш ташаббуси билан чиққан Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасининг асосий фаолияти нималардан иборат ва ўтган 2 йил давомида қандай ижодий ишлар амалга оширилди?**

— Президентимизнинг 2018 йил 24 июлдаги “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этилди. Уюшманинг асосий вазифаси мамлакатимиз кино соҳасида хизмат қиладиган ижодкорларни уюштириш, уларнинг ижодий манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилишдан иборатдир. Қолаверса, миллий кинематография йўналишларини белгилаш, янги бадиий жамоалар тузиш, бой анъаналарга таянган ҳолда жаҳон андозалари даражасидаги замонавий миллий кино санъати мактабларини яратиш, ўзбек кино арбоблари, етук кино мутахассислари тажрибасини оммалаштириш ҳам ташкилотимизнинг устувор вазифалари сирасидандир.

Сўнгги икки йилда миллий ва халқаро ҳамкорлар ҳамда мутахассисларни жалб қилган ҳолда долзарб мавзуларда конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа бир қанча нуфузли тадбирларни уюштирдик. Республика олий таълим муассасаларида ёшлар ва таниқли киноижодкорлар билан ижодий учрашувлар, “Қора вабо”, “Тинчлик ортида” сингари фильмлар намойиши ташкил этилгани шулар жумласидандир. Шунингдек, уюшмамиз ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг соҳага бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари учун стипендия жорий қилди. Алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим, 2019 йилда тантанали равишда ўтказилган “Олтин ҳумо” миллий кинотақдимоти киноижодкорлар ва киномухлислар учун чинакамига байрам бўлди. Кино соҳасининг ҳақиқий жонкуяр истеъдодлари ўн олти номинация бўйича тақдирландилар. “Олтин ҳумо” миллий кинотақдимотининг анъанавийлигини таъминлашга қарор қилганмиз.

Йил якунига қадар миллий кинотақдимотни ўтказиш ниятимиз ҳам бор. Бу тадбир пандемия туфайли бироз орқароққа сурилди. Пандемия даврида уюшмамиз ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда моддий-маънавий ёрдамга муҳтож киноижодкорларга ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, яна кўплаб лойиҳаларимиз мавжуд. Хусусан, 2021 йилда Худойберган Девонов номидаги Марказий Осиё давлатлари ёш киноижодкорларининг халқаро кинофестивалини ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

**— Янги фильм яратиш машаққатли, шу билан бирга, шарафли иш. Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Сўнгги вақтларда ғоя ва савия жиҳатдан саёз фильм ва сериаллар бирмунча кўпайди. Айниқса, адабий тил қоидаларига деярли риоя қилинмаяпти. Воқеалар мавзуси деярли бир хил, конфликт бироз сустроқ, асар моҳияти юзакироқ, қаҳрамонларнинг ижроси ўхшамаган. Бундай кинокартиналар томошабин онгига, ўзбек киноиндустрияси тараққиётига зарар бермасмикин?**

— Гуручнинг ичида курмаги ҳам бўлади. Бусиз иложи йўқ. Кино оламида ҳам шундай. Баъзи киноижодкорларимиз етарли ижодий тайёргарлик кўрмай туриб ишлаб чиқариш жараёнига киришиб кетадилар. Бунинг оқибатида кинонинг айрим томонларида камчиликлар юзага чиқиб қолади. Бугунги томошабиннинг диди, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати бошқача. Уларга қаҳрамонларимизни рўйи-рост, бўй-басти билан кўрсата олишимиз керак. Яратилаётган тарихий фильмларимиз эса яқин келажакда юқоридаги саволларингизнинг барчасига мукаммал жавоб бўла олади. Шунинг учун ҳам тарихий фильмлар яратишимиз лозим. Томошабинга ибрат бўладиган улуғ аждодларимиз образини гавдалантира оладиган, қадриятларимизни қадрлашга ўргатадиган фильмларимиз ҳам жуда кўп аслида.

Асл санъат инсонларни юксак идеалларга ундайди. Демак, сўзимиз ҳам, амалимиз ҳам шунга монанд бўлиши зарур. Даставвал фильмларга миллийликни, ўзбекона руҳни, мамлакатимиз ҳавосини олиб киришимиз зарур ва бу борада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Кино санъатимиз усталарининг бебаҳо тажрибасига таянган ҳолда миллий кинога нисбатан нафақат халқ муҳаббатини, балки тарихий шон-шуҳратини қайта тиклашимиз даркор ва бунга, албатта, яқин келажакда эришамиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3348.
41787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 00:55